

Сийрат 170-дарс. Қуръон ўрганинг ва ўргатинг!



19:00 / 28.01.2022 4203

664. Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир**», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

665. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қуръонга мурожаат қилиб туринглар. Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, албатта, у (зеҳндан) тушовдаги туюдан ҳам тезроқ қочиб кетади**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

666. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Менга қироат қилиб бер**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўзингизга нозил бўлган нарсани сизга қироат қилиб бераманми?» дедим. «**Мен уни ўзимдан бошқадан эшитишни хоҳлайман**», дедилар. Шунда мен Нисо(сураси)ни қироат қилдим. «Ҳар бир умматдан бир гувоҳ келтириб, сени уларнинг ҳаммасига гувоҳ этган чоғимизда ҳол қандай бўлур?!»га етганимда: «**Тўхта**»,

дедилар. Қарасам, у зотнинг икки кўзларидан ёш тўклилаётган экан».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

667. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз аҳли-оиласига қайтганда уларнинг (молларининг) ичида учта катта, семиз, ҳомиладор туяни топишни ёқтирадими?»** дедилар. «Ҳа», дедик. **«Бирортангиз намозида қироат қиласидиган уч оят унинг учун учта катта, семиз, ҳомиладор туядан яхшидир»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

668. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар. Биз суффада ўтирган эдик. Шунда у зот: **«Сизлардан қай бирингиз Бутҳон ёки Ақиққа бориб, Аллоҳга гуноҳ қиласдан ва қариндошлиқ алоқасини узмасдан иккита катта ўркачли түя олиб кела олади?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳар биримиз буни жуда ҳам хоҳлаймиз», дедик. **«Албатта, бирингизнинг ҳар куни масжидга келиб, Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидан икки оят ўрганиши иккита туядан яхшироқдир. Учтаси учтадан яхшироқдир. Тўрттаси тўрттадан яхшироқдир. Қанча оят бўлса, шунча түя»,** дедилар у зот».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан